

Ялталик мусулмон ёшлар "Фойдали илм"да фаоллар



08:45 / 28.02.2019 2136

Ялтадаги Ислом дини асослари курслари тингловчилари бўлган ёшларга Қуръони карим тарқатилди. Ушбу тантанали тадбир Ай Васил митти туманидаги масжидда ўтказилган. Бу ҳақда islamisemya.com нашри хабар берди.

Икки ой мобайнида ёшлар Ислом дини асослари, пайғамбарлар ҳаёти, ҳадислардан билим олишган.

Қрим мусулмонлари диний идорасининг "Фойдали илм" лойиҳаси ташаббускори бўлган Зайнаб Бированинг айтишича, лойиҳага ёшларни жалб қилишда Катта Ялта масжиди имоми Усмон Топуз муҳим рол ўйнаган.

Лойиҳанинг навбатдаги босқичида курс тингловчилари Қуръони каримни тажвид қоидалари асосида ўқишни ўрганадилар.

Islom.uz портали таҳририяти